

Таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш.

1.Ўқитиш шакллари.

2.Ўқитиш воситалари.

3.Ўқитишда фойдаланиладиган ўйин ва метадрлар.

Ўқитиш шакллариининг таснифи

Мавжудлик усули	Ўқитишни ташкил этиш шакллари	Ўқув ишини ташкил этиш усули
Кундузги Масофавий	Маъруза Семинар	Оммавий Жамоавий
Аудиторияи ши Аудиториядан ташқари иш	Амалий машғулоти Лаборатория машғулоти Мустақилиш	Гуруҳларда ишлаш Яккатартибда

ОММАВИЙ – таълим олувчилар умумий топшириқни бир вақтда бажарадилар

ЖАМОАВИЙ – умумий ўқув топшириқни жамоавий ҳамкорликда бажарадилар

ГУРУҲЛИ – кичик гуруҳларда алоҳида топшириқни ҳамкорликда бажарадилар

ИНДИВИДУАЛ – ўқув топшириқни якка тартибда бажарадилар

Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари

ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ– бу ўқув топшириғни ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) таълимни ташкил этиш шаклидир. Бунда асосий топшириқ натижа эмас балки, гуруҳ ичидаги ҳамкорлик жараёнидир.

Кичик гуруҳларни шакллантириш усуллари:

1.Таркибига кўра:

- Ихтиёрий: исталган белгилар асосида ёки норасмий белгиларга кўра.
- Иштирокчиларнинг психологик мосликларига кўра
- Ўқиш ютуқларига кўра
 - тенглаштириш гуруҳлари;
 - қўллаб-қувватлаш гуруҳи;
 - ривожлантириш гуруҳи

2.Ўқувчилар сони ва ўқув топшириқ харақтерига кўра:

- Қисқа вақтда кичик ҳажмдаги вазифани бажариш учун

- 5-8 нафар ўқувчидан иборат кичик гуруҳ;
- «ғўнғиллаяпган» гуруҳ («гудящая» группа) учликда;
- жуфтликда
- Мураккаб топшириқни бажариш учун (5-7 нафаргача).

3. Вақтга кўра: Кичик гуруҳларни таркиб топиши уларга берилган топшириққа ажратилган вақт билан белгиланади: 5-20 дақиқагачаёки битта ўқув машғулоти вақти (кейс-стадини ечиш учун) бир неча ҳафтагача (ўқув лойиҳани бажариш учун).

1. Гуруҳ сардорини танлаш.

2. Гуруҳдаги ишни режалаштириш, гуруҳ ичида топшириқларни тақсимлаш.

3. Якка тартибда (ёки кичик гуруҳлар таркибида) топшириқларни бажариш.

4. Гуруҳ мунозарасини ўтказиш қоидаларига асосланиб якка тартибда эришилган натижаларни муҳокама қилиш ва гуруҳ ишининг умумий натижасини шакллантириш.

5. Гуруҳ фаолиятининг натижаларини тақдимот қилиш қоидаларига асосланиб тақдимот учун биргаликда олиб борилган иш натижаларини тайёрлаш.

6. Ушбу материал қисмини бошқалар ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини тайёрлаш (агар ўқув топшириқ билан белгиланса).

Гуруҳ фаолияти натижаларини тақдимот қилиш



1. Гуруҳ аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини гуруҳ сардори томонидан (жамоавий), кўргазмали воситалар ёрдамида тақдим этиш.

2. Бошқалар ушбу материал қисмини ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида ўзаро текширув саволларини бериш

ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ ВА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ВОСИТАЛАРИ - ўқув материални кўргазмани тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Ўқитиш воситалари ёрдамида ўқув машғулотидаги мустақил ишлар, аудиториядан ташқари бериладиган вазифаларни тўғри бажарилишига, ўқитиш жараёнини фаоллигини оширишга ва ҳаёт билан боғлашга ёрдам беради. Ўқитиш воситалари қуйидаги турларга бўлинади:

ЎҚУВ-ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР – ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар ўқувчиларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар (иш варақаси, эслатма, дидактик материаллар ва бошқалар).


ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ– ўқув материални кўргазмани тақдим этиш, уни тизимли етказиб бериш билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материал ҳисобланади. Ўқувчиларга ўқув материални тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради (компьютер, проектор, доска-блокнот, флипчарт, ёзув тахтаси ва бошқалар).

ЁРДАМЧИ ЎҚИТИШ ВОСИТАЛАРИ – графиклар, чизмалар, табиий намуналар модели (муляж, суратлар), табиий моддалар ва бошқ.

Ўқитишнинг техник воситалари

Тақдимот бир-бирини кетма-кет изчилликда тўлдирадиган слайдлардан иборат. Матн мазмуни, расмлар, жадваллар, диаграммалар, аудио ва видео лавҳаларни ўз ичига олувчи тақдимотнинг ҳар бир бетини белгилаш учун «слайд» тушунчаси ишлатилади.

Кластер “Автомобиллар таснифланиши: ахборот харитаси”



“Автомобиллар таснифланиши: аҳамиятли хусусиятлар” мавзусидаги тоифали жадвал

Автомобиллар таснифланиши		
Юк автомобиллари	Йўловчи ташувчи автомобиллар	Махсус автомобиллар
1. Юк ташувчи - Умумий фойдаланишга мўлжалланган 2. Ихтисослашган - Ўзағдаргич автомобиллар - Фургон - Цистерна	1. Енгил автомобиллар 2. Автобуслар 3. Тиркама ва ярим тиркамалар	1. Махсус жиҳозланган 2. Транспорт ишларига мўлжалланган 3. Тиркама ва ярим тиркама

“Двигатель турлари: Дизель ва карбюраторли двигателларни қиёсий таҳлили” мавзусидаги концептуал жадвал

Двигатель турлари	Таърифлар, тоифалар, хусусиятлар ва бошқ.		
	Ёқилғи тури	Афзалликлари	Камчиликлари

Дизель двигатель	Дизель ёқилғи	Атмосферага кам заҳарли газлар чиқаради,ёқилғи сарфи кам ва арзон	Дизель двигателлари- ни ишлаб чиқариш 1,5...2,0 марта қиммат,оғирлиги ва ўлчамлари катта
Карбюраторли двигатель	Бензин, газ ёқилғиси	Двигатель ўлчамлари кичик	Сиқиш даражаси нисбатан кичик,атмосферага кўп заҳарли газ ажратади белгиланади


ВЕНН ДИАГРАММАСИ – Британиялик файласуф, математик ва мантиқчи олим Венн томонидан 1881 йилда киритилган.

Диаграммада ўрганилаётган тушунчаларни икки ёки уч жиҳатини ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки жиҳатларни, хусусиятларни қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.Венн диаграммаси тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



Венн диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Иккита бир-бири билан кесишувчи доираларни чизинг:



2. Берилган топшириқдаги объект ёки тушунчаларни вауларнинг жиҳатларини аниқлаб олинг.

3. Кесишган доиралар ичига объект ёки солиштирилаётган тушунчаларнинг номини ёзинг ва уларнинг ўзига оид барча хусусиятлари ёки жиҳатларини ёзиб чиқинг.

4. Доиралар ичидаги хусусият ёки жиҳатларни таққосланг.

5. Ҳар бир доира ичидаги бир хил ахборотларни доиранинг кесишган жойига йиғиб, ёзиб чиқинг.

6. Доираларнинг ўзаро кесишган жойида аниқлаётган объект ва тушунчаларнинг умумий хусусиятлари ёки жиҳатларини аниқланг.

Т-ЖАДВАЛ - битта концепция (маълумот)нинг иккита жиҳатини қайд қилиш ёки иккита (ҳа/йўқ, ҳа/қарши) жиҳатларини солиштириш учун қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.



Т-жадвалини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1.Т-жадвални қуйидагича тузинг: 2. Жадвалнинг юқори томонига қарама- қарши жиҳатлар: ҳа ёки йўқ (ҳа ёки қаршиман, ижобий ёки салбий) сўзларини ёзинг 3. Ҳа ёки йўқ сўзларининг тагига солиштирилаётган тушунча ёки ахборотнинг жиҳатларини ёзинг, яъни унинг чап томонига сабаблари (ҳа) , ўнг томонига эса чап томондаги фикрга қарама-қарши фикр, ғоя, омил ва шу кабиларни ёзинг.	Солиштирилаётган объект номи	
	Ҳа	Йўқ

**“Портатив компьютерлар: афзалликлар ва камчиликлар” мавзусидаги
Т-жадвал**

<i>Афзалликлар</i>	<i>Камчиликлар</i>
Кичик ўлчами	Қимматлиги
Вазнининг енгиллиги	Клавиатураси қисқартирилган
Аккумулятордан ишлаши (3-5 соатгача) ёки тармоқдан	Унумдорлиги пастроқлиги
Мобиллик	Зарбга, вибрацияга таъсирчанлиги

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



**«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига
йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:

- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараёни муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунча давом эттиринг


«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ –бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.



**“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига
йўриқнома**

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

- 1.«Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантикий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.



«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Бунини қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

3. Диаграммани таҳлил қилинг: агар диаграммадаги тармоқланган “шоҳчалар”да ғоялар такрорланса, демак айнан шу ғоя муаммони ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Маслаҳат ва тавсиялар:

Янги ғояларни график кўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради.



«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;

		B			Z			C
				B	Z	C		
		D		D	A	F		F
				G	H	Y		
		G			H			Y


2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

**«Нима учун?» схемаси – Бронхиал астма касаллигининг келибчиқиши
(лавҳа)**



«Қандай?» иерархик диаграммаси – Бронхиал астма касаллигини даволаш намунаси



“Нилуфар гули”схемаси: Нафас олиш аъзолари касалликларини даволаш усуллари								
ётоқ режими қулай вазиятда	хонани тоза ҳаво билан таъминлаш	кийим, оқликларни алмаштириш	серетолитикла р	Муколитиклар	мукодилятатор лар	бактерияларг а қарши препаратлар	хламидийларга қарши препаратлар	иммунитетни яхшилаш
тинчлигини таъминлаш	беморга қулай шароит яратиш	тери ва шил- лик пардалар- ни тозалаш	Антигистамин	йўтални камайтириш ва балғам кўчириш	бронходилята торлар	вирусларга қарши препаратлар	микрорганизм ларни йўқотиш	санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш
дам олиш ва уйку	об-ҳавога мос кийинтириш	тоза ҳаво билан таъминлаш	седатив препаратлар			Замбуруғлар- га қарши препаратлар		
кўп микдорда суюқлик ичириш	сийдик хай- довчи препа- ратлар бериш	вена ичига суюқликлар юбориш	беморга қулай шароит яратиш	йўталга қарши ва балғам кўчириш	Микрорганизм -ларни йўқотиш	УВЧ	ингаляция қилиш	сикиб чиқариш, сўриш
мия шишини олдини олиш	дезинтоксика цион терапия		дезинтоксика цион терапия	нафас олиш аъзолари касалликларини даволаш усуллари	физиотерапия	нафас машқлари	физиотерапия	дренаж ҳолати
ўпка шишини олдини олиш			симптоматик терапия	бемор оила аъзоларига ҳамширалик парвариши	кислород билан даволаш	массаж, гимнастика	иссиқ компресс	оёқларига ванна
тана ҳароратини тушириш	қон босимини тушириш	қусганда ёрдам кўрсатиш	она билан сухбат режаси тузиш	оиладаги бошқа фарзандлари билан сухбатлашиш	касалликни қай даражада муҳимлигини айтиш	ниқоб орқали кислород бериш	Бабров аппарати ёрдамида	кислород ёстиғи ёрдамида
ҳолсизлик дармонсизликни йўқотиш	симптоматик терапия	тахикардияга қарши даво	бемор стацио- нардан кейин даволашни давом этти- ришни айтиш	бемор оила аъзоларида ҳамширалик парвариши	санитария маориф ишлари олиб бориш	нафас йўллари ўтказувчанли -гини таъминлаш	кислород билан даволаш	қуруқ газ ингаляцияси
иштаҳасини ошириш			уйда ҳам шароитни яхшилаш	аллергия чақи- рувчи жихоз- ларни йўқотиш			небулайзерлар	сунъий нафас аппаратлари

ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ

ЎҚИТИШ МЕТОДИ–ўқитишда, белгилаб олинган мақсадга эришиш учун таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

✎ Ўқитиш методлари ўқув машғулотининг ўқитиш технологиясини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий қоидаларига асосан танлаб олинади:

- хилма-хиллик учун эмас, балки ўқув машғулотнинг мақсадига мувофиқлиги;
- самарали натижагава қўйилган таълимий мақсадга эришишнинг кафиллигинитаъминлаш имконияти;
- энг мақбуллиги: дастлабки ўқув вазиятни мослиги ва қўллашсамарадорлиги.


Ўқитиш жараёнида методларни қўллаш билан бир қаторда**ўқитиш техникаларидан** ҳам фойдаланиш мумкин.

ЎҚИТИШ ТЕХНИКАСИ – педагогик усул ва ўқитиш воситаларининг умумлашган йиғиндиси бўлиб, қўлланилаётган усулнинг чегарасидан чиқмаган ҳолда ўқув жараёнига оптималлаштиради.Ўқитиш техникасига ИНСЕРТ, пинборд, экспертлар сўрови ва бошқалар киради.

Таълимий мақсадга эришишда ўқитувчи (ўқитиш) ва ўқувчи(билим олиш)нинг ҳамкорликдаги фаолият тарзини белгиловчи ўқитиш методларини характерига кўра ва ўқув жараёнининг натижасига асосан 4 гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўқитиш методларининг 1-гуруҳи

Рецептив (қабул қилиш) ўқув фаолиятини ва таълим олувчининг 1-даражали билимни ўзлаштиришини таъминловчи ўқитиш методлари




МАЪРУЗА – давомли вақт ичида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материални монологик баён қилиш. Ахборотли маъруза – қисқа вақт (10-15 дақиқа) ичида мавзунини асосий мазмунини ахборот тарзида ифодаланишига айтилади.

ҲИКОЯ– ҳодиса, воқеа, ҳақиқат тўғрисида ўқитувчининг ҳиссий хабар бериши одатда у назарий ҳолатларни аниқлаштириш, ўрганаётган материалга қизиқишни уйғотиш учун қўлланилади. Ҳикояда материал мазмунини мисоллар орқали, содда тилда санъаткорона, таъсирчан, ҳис-ҳаяжонли баён қилишдан иборат.

ТУШУНТИРИШ– сўз орқали ифодаловчи метод бўлиб, бу метод орқали ўқув материални сўзлар орқали ифодалаш, таҳлил қилиш ва турли хил далиллар орқали шарҳлашдан иборат.

ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ– ўқитиш методи бўлиб, қўшимча тушунтириш орқали ўқув топшириқни бажаришга ёрдам беради.

Таълим берувчи кўрсатиш, шарҳлаш, изоҳлаш орқали ўқувчиларга топшириқни бажариш юзасидан аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини, уни амалга ошириш йўллари, маълум вазиятлар тавсифи ва уларни амалиётда қўллаш йўллари ўргатади. Йўриқнома бериш йўриқнома орқали амалга оширилади.




НАМОЙИШ - таълим олувчиларни объект ва ҳодисалар, жараёнларни уларнинг табиий кўринишда кўргазмали-ҳиссий таништириш.

КЎРСАТИШ- нарсалар, жараёнлар ва ҳодисаларни уларни тасвирий кўринишда кўрсатиш ҳамда қабул қилишни кўзлайди.

ВИДЕОМЕТОД - ахборотни кўргазмали ўзлаштиришга асосланган метод бўлиб, ўқув материал ёки ахборотни кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телекўрсатувлар, шунингдек дисплей орқали акс эттирувчи компьютерлар ёрдамида амалга оширилади.

6.2. Ўқитиш методларининг 2-гурухи

2-гурухга кирувчи методлар асосан таълим берувчининг тушунтириш, ҳаракатларни кўрсатиш орқали таълим олувчилар фаолиятидаонгли равишда билимларни пухта ўзлаштириш ва уни мустаҳкамлаш, амалда берилган намуна асосида кетма-кетликни бажариш, баҳолай олиш ҳамда тўғрилаб боришларини ташкил қилишдан иборат. Ушбу метод репродуктив ўқув фаолиятни таъминлаб 2-даражали билим ва уддалай олиш кўникмасини ўзлаштиришини таъминлайди.



КИТОБ БИЛАН ИШЛАШ – ушбу ўқитиш методи барча вазифаларни бажаради. Таълим олувчилар китоб билан ишлашда:

- ўқув машғулотда ўқитувчи раҳбарлигида;
- мустақил уйда ишлашлари мумкин.

Таълим берувчи ўқувчиларга уйда китоб билан ишлаш вазифасини берганда, ўқувчиларни билишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Китоб билан мустақил ишлаш қоидалари

Китобнинг тузилиши билан танишиш

матнга кўз югуртириш

алоҳида бўлимларни ўқиб чиқиш

саволларга жавоб қидириш

материал билан танишганда матндаги турли ахборотларни кетма-кет белгилаб бориш

мазмунни қисқача баён қилиб бориш

таянч конспектларни тузиш

манتيкий-тузилган чизмаларни тузиш

машқ ва масалаларни ечиш

назорат тестларига жавоб топиш

материални хотирада эслаб қолиш

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб- **INSERT** – Interactive-интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун **Effective** – самарали **Reading** – ўқиш and– ва **Thinking** – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;


(+) –мен учун янги ахборот;

(–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

2) Амалий иш ва китоб билан ишлаш методи доирасида қўлланиладиган ўқитиш техникаси бўлиб, комплекс масалаларни ечиш, ўқув материални ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, китоб билан ишлаш ҳамда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида фойдаланилади. (*ИНСЕРТ техникасининг технологик чизмаси 10- расмда келтирилган*).

ЛАБОРАТОРИЯ МЕТОДИ–фаол ўқитиш методи бўлиб, ўқитувчи раҳбарлиги остидаолдиндан тайёрланган режа асосида таълим олувчилар тажриба ўтказиши ёки амалий топшириқларни бажаришини таъминлайди. Лаборатория иши жараёнида кузатиш, таҳлил қилиш ва кузатиш маълумотларини таққослаш, хулосаларни шакллантириш қўлланилади.



Бу метод ўқувчиларга қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- жиҳоз билан ишлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш;
- маълум бўлганларни текшириш ва мустақил тадқиқот йўлларини танлаш;
- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш; натижаларни қайта ишлаш ва аввалгилари билан солиштириш.

Лаборатория методи мураккабдир. Бу методдан фойдаланишда махсус, қимматли жиҳозларнинг бўлиши ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг пухта тайёргарлигини талаб этади. Ундан фойдаланиш куч ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Шунинг учун, лаборатория методини режалаштираётганда, мустақил тадқиқотнинг таълим самарадорлигини оширишга аниқ ишонч ҳосил қилиш зарур.

МАШҚ–бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта такрорлашбўлиб, қуйидаги босқичлардан иборат (11-расм):

I босқич. Тайёргарлик

Ўзлаштириш\ривожлантириш\мустаҳкамлашга оид кўникма ва малакаларни аниқлайди. Машқ тури ва уни бажариш юзасидан баҳолаш мезонларини белгилайди

II босқич. Кириш

Навбатдаги бажарадиган машқ юзасидан вазифалар кетма-кетлигини аниқлаб, уни бажариш қоида, баҳолаш мезони билан таништиради

III босқич. Йўриқнома бериш

Машқни бажариш юзасидан тегишли кўрсатмалар беради: мустақил ишни бажариш тартиби ва кетма-кетлигини тушунтириб беради, зарур ҳолатларда кўрсатиб беради\ўқув ҳаракатлар элементини намойиш қилади

IV босқич. Қайтар алоқа

Ўқувчилар вазифани қандай бажариш кераклигини, қай даражада тушунганликларини аниқлаш учун қуйидагича саволлар беради: машқ бажаришни нимадан бошлайсиз? Уни бажаришда қайси қоидалардан фойдаланасиз?

V босқич. Машқни бажариш

Ўқув ишини ташкиллаштиради ва уни назорат қилади. Назорат давомида ҳар бир ўқувчи машқни бажариш давомида билимни қўллай олиши, кўникма ва малакаси шаклланганлигига эътибор қаратади.

VI босқич. Яқуний

Натижаларни (танлаб\жуфтликда) текширади ва баҳолайди. Натижани изоҳлаб машқ бажаришга яқун ясайди

АМАЛИЙ МЕТОД– фаол ўқитиш методи бўлиб,ўқитиш жараёнининг барча функцияларини: ўргатиш, ривожлантириш,тарбиялаш, мотивацион ва назорат қилишниўз ичига олади

Бу метод лаборатория методидан фарқ қилиб, асосан назарий олинган билимлардан фойдаланиб амалий масалалар ечишга қаратилган.

Амалий ўқитиш методи қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- Назарий (семинар ёки комбинациялашган) ваамалий (лаборатория) ўқув машғулотларда –**ўқув амалий топшириқни гуруҳли бажаришда**(12-расм);
- Амалий ўқув машғулотларда (ўқув амалиётида ва лаборатория машғулотида) – **ўқув амалий топшириқни якка тартибда бажаришда**

Йўриқнома беради: ўқувчиларни ўқув топшириқ билан таништиради ва уни бажариш юзасидан кўрсатма беради

Тескари алоқа: (мини-гуруҳларда) ўқувчилар ўқув топшириқни қандай бажаришларини савол-жавоб орқали текширади

Гуруҳларда ўқув топшириқ бажаришни ташкил этади

Гуруҳли иш натижасининг тақдимотини уюштиради

Ўқув топшириқ натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди

Ўқитиш методларининг 3-гуруҳи

3-гуруҳ ўқитиш методлари таълим берувчининг ўқитишда мунозара юритишга, ижодий ёндашувга, изланувчан ўқув фаолиятга йўналтирилган бўлиб, таълим олувчиларнингбилим ва кўникмалари3-даражада ўзлаштиришни таъминлайди.

Суҳбат
Баҳс
Ақлий ҳужум
Таълимий ўйин
Пинборд
Муаммоли масала ва вазиятлар методи
Мутахассислар сўрови

Таълим берувчи: фақат билимнинг бир қисмини маълум қилади, таълим олувчиларнинг билим олишини босиқчма-босиқч бажаришга йўналтиради, турли муаммоли вазиятларда ўқиш- ўрганиш жараёнини ташкиллаштиради

Таълим олувчилар: таълим берувчининг кузатуви остида мустақил таққослайди, умумлаштиради, хулоса қилади, баҳолайди, таҳлил қилади, муаммоли ҳолатларни ҳал қилади ва ностандарт топшириқларни ечади, мураккаблаштирилган шароитдаги амалий ҳаракатларни бажаради

СУХБАТ–ўқитиш жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида амалга ошириладиган ўзаро сўзлашув, мулоқотдан иборат ўқитиш методидир.

Суҳбат мураккаб метод бўлиб, кўп вақт талаб этиши билан бирга таълим берувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб қилади. Технолог ўқитувчи ўқитиш технологиясини лойиҳалаштираётганида суҳбат методидан фойдаланмоқчи бўлса ўз имкониятини ва ўқувчининг билим доирасини ҳам эътиборга олиши керак.

I босқич.Тайёргарлик

Суҳбат мавзусини, унинг мақсади, вазифалари ва натижаларини белгилайди; асосий ва қўшимча саволларни ифодалайди; уни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини ўйлаб чиқади: саволларни кириш тартиби, умумлаштириш ва хулосалар талаб қиладиган асосий жойларини белгилайди

II босқич. Суҳбатга кириш

Пухта ўйланган саволларни қўйиш орқали ўқувчиларни янги материални тушунишга олиб келади / ушбу мавзу бўйича барча мавжуд билимларни эслашга ундайди / ўрганганларнинг ўзлаштириш ҳолатини текширади

III босқич.Асосий: суҳбатлашиш

Суҳбат давомида иштирокчиларнинг алоҳида фикрларни умумлаштиради, қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб уларни тўлдиради. Тўғри жавобларни маъқуллайди, нотўғриларни изоҳлайди, аниқлаштиради. Нотўғри жавоб берган ўқувчига ўзининг хатосини тўғирлашга имкон беради. Агар у хатосини тўғрилай олмаса, бошқаларни ёрдамга чақиради.

IVбосқич. Суҳбатни якунлаш,таҳлил қилиш ва фаолиятни баҳолаш

Қуйидаги усуллардан бирини танлаб суҳбат натижасини умумлаштиради: (1) ўзи якун ясайди; (2) ўзининг фаоллиги билан ажралган ўқувчига суҳбат натижаларини умумлаштириш ва етказишни илтимос қилади; ёрдамчи саволлар ёрдамида суҳбат натижаларини «йиғиб олади». Якун ясайди: суҳбат давомидаги ўқувчиларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди

Суҳбатлар ташкилий шакли бўйича ўқув ва давра суҳбатига бўлинади.

Давра суҳбати ўқув суҳбатидан эркин ҳолатда иштирокчилар жойлашиш тартиби ва асосийси, улар фикрини навбат билан билдириши билан фарқланади.

БАҲС (мунозара) –ўқитишнинг фаол методларидан бўлиб, аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама қилишдан иборат. Баҳс орқали мунозарали

савол, жамоавий муаммолар, баҳс, ўзаро фикрлар тортишувини ҳар томонлама муҳокама қилиш мумкин

ПИНБОРД—(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантикий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради (14-расм);

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Ўқитувчи муаммони белгилайди (ўқув топшириқ) ва иштирокчиларга уни ечиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни таклиф этади.



Ўқитувчи тўғри жамоавий ақлий ҳужумни ташкиллаштиради, бошланишини рағбатлантиради



Ўқитувчи энг мақбул, самарали ва бошқа ғояларни таклиф қилишади, муҳокама қилишади, баҳолашади, танлашади ва уларни таянч фикрлар (сўзлар сони 2 тдан ошмаслик керак!) кўринишида карточкаларга ёки варақларга ёзишади ва ёзув тахтасига ёпиштиришади.



Гуруҳ вакиллари, ўқитувчи томонидан белгиланган ўқувчилар (2-3 киши) ёзув тахтасига чиқишади ва бошқалар билан маслаҳатлашиб: (1) хато ва такрорланувчи ғояларни олиб ташлашади; (2) тортишув туғдирган ғояларни аниқлаштиришади; (3) ғояларни тизимлаштириш аломатларини белгилашади; (4) ушбу аломатлар бўйича барча ғояларни (карточкалар, варақлар) ёзув тахтасида гуруҳлаштиришади; (5) кўрсаткич, чизик ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаромуносабатларини кўрсатишади; жамоавий ягона ёки қарама-қарши позиция ишлаб чиқади



Ўқитувчи иш натижаларини баҳолайди ва умумлаштиради рағбатлантиради



Пинборд техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳ ишини амалга ошириш учун ўқув топшириғига мисол

Гуруҳларда ишлаш учун ўқув топшириғи

1. “Ўқитиш метод, шакл ва воситалари” номли тоифали жадвални тузинг.

2. Стикерлар ёрдамида олинган натижаларни тақдимотини ўтказинг.

Ўқув топшириғини бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.

2. Ҳамкорликда тоифали жадвал тузинг.

3. 3-та мини гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ стикерларда қуйидаги тоифалар тушунчаларини тақдим этиши лозим:

Ўқитиш методларини – 1 гуруҳ

Ўқитиш воситаларини – 2 гуруҳ

Ўқитиш шакллари – 3 гуруҳ.

Қоғоз варақларга КАТТА ҳарфлар билан БИТТАДАН метод/шакл/воситаларни ёзинг.

4. Тайёр бўлишига қараб варақларни ёзув тахтасига ёпиштиринг.

Бажариш учун ажратилган вақт – 15 дақиқа берилади.

Баҳолаш мезонлари:

- Гуруҳларда ишлаш қоидаларига риоя қилиш;
- Ўқитиш метод, шакл ва воситаларни тўғри аниқлаш ва тоифали жадвалнинг тегишли устунига тақсимлаш;
- Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

 Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг **ноанъанавий йўллари**ни **излаш** бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.


 Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун муаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;

- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 15-расмда келтирилган.



МУТАХАССИСЛАР СЎРОВИ - ўқитиш техникаси бўлиб, ўқув машғулотга малакали мутахассисларни таклиф этиб савол-жавоб ўтказилади. Бу эса ўз навбатида, таълим олувчиларнинг касбий лаёқатларини оширишдаги (билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш) муаммоларни ечишга ёрдам беради.

МУАММОЛИ МАСАЛА ВА ВАЗИЯТЛАР МЕТОДИ—таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан иборат.

Муаммоли масалава вазиятлар методидан фойдаланиш орқали назария амалиёт билан боғланиб, ўрганилаётган материал таълим олувчилар учун янада муҳимлиги ортади.

Муаммоли масалава вазиятлар методи педагогик технологиясининг чизмаси 16-расмда келтирилган.

Муаммоли топшириқ фактларни ўрганиш ёки реал ҳаётдан олинган вазият ва баъзи инсонларнинг қизиқарли қарашларини ўз ичига олиши мумкин. Таълим берувчи ўқувчиларга бераётган топшириқ қандай бўлишидан қатъий назар муаммоли характерга эга бўлиши зарур

Муаммоли ўқитишнинг энг мураккаб томони муаммоли саволларни қўйиш ҳисобланади. Барча муаммоли саволларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- Юқори даража
 - баҳолаш (нима билан сиз розисиз ёки рози эмассиз)
 - синтез (агар ...)
 - таҳлил (таққосланг, хулоса қилинг)
- Ўрта даража
 - қўллаш (нима учун? нима мақсадда?)
- Бошланғич даража
 - тушуниш (нима учун? нега?)

- (нима, қачон, қаерда)



Муаммоли саволларга мисоллар:

- Тоғли давлат худудида текислик пайдо бўлиши мумкинми?
- Нима учун Шимолий-Атлантлик оқими - иссиқ, Канар оқими эса – совуқ ҳисобланади?
- Австралия – ягона вулқон ва музликлар йўқ материк ҳисобланади. Нима учун?
- Ўйлаб кўринг сайёрада аҳоли сони 10 миллиарддан ошиб кетса, нима бўлади? Сабаб ва оқибатларни аниқланг.
- Сизнинг-ча, демографик сиёсат одамларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйишга олиб келмайдими?
- Нима учун дунёда эркакларни сони аёлларнинг сонидан кўп, иқтисодий ривожланган давлатларда эса тескариси?

Мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди, мақсад, натижалар ва баҳолаш мезонларини ифодалайди, технологик харитани, ўқувчилар билан муаммоли вазиятлар белгтлаш ва ечишни йўллариини ишлаб чиқади



Муаммоли вазиятни (муаммони баён этади) яратади, ўқувчиларни уларни ечишга йўналтиради; шу билан бирга иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради




Муаммони тўғри тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш учун, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради. Ўқувчиларга муаммоларни турлича мажмуали ҳал этиш мумкин эканлигини тшунтиради



Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўллариини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечишни жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

Ўқитиш методларининг 4-гуруҳи

4- гуруҳ ўқитиш методлари асосан таълим берувчининг фаолияти таълим олувчида мустақил ўқишга қизиқиш уйғотиши ва уни фаоллаштирилишига қаратилган бўлади, муаммони англаган ҳолда ечишига ёрдам кўрсатишини таъминлайди. Уларни ижодий тадқиқот фаолиятини ҳамда 4-даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирилишини таъминлайди.



КЕЙС – (ингл. case – тўпلام, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий йўриқнома бериш* бўлиши керак.

КЕЙС–СТАДИ (ингл.case– тўпلام, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятлар методи.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Кейс-стади муаммоли масалалар ва вазиятлар методидан фарқли равишда ташкилот, кишилар гуруҳи ёки алоҳида индивидлар ҳаётидан олинган белгиланган шароитлар ёзма баёнини ўз ичига олади ва ўқувчиларни муаммони ифодалашга, муаммоли амалий вазиятни таҳлил қилишга, баҳолашга ва унинг мақсадга мувофиқ ечимини излашга йўналтиради.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)

2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:

- саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
- топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

Кейс-стади методининг амалга оширишнинг бир неча вариантлари мавжуд

Кейс-стадига асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси

1-вариант (битта ўқув машғулотини мисолида)

Кейс кичик, саволли.

Кейс билан ишлаш жараёни: якка тартибда → жамоавий

Мавзу, мақсад, ўқув фаолиятнинг натижлари ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. Ўқув машғулотнинг олиб бориш хусусиятлари ва тартиби билан таништиради.



Билимларни фаоллаштиради (блиц-сўров, ўйланг-жуфтликка бўлининг – фикр алмашинг, аукцион)



Ўқувчиларни кейсга олиб киради



Ҳар бир ўқувчига ўқув топшириқ ва кейс билан ишлаш учун услубий кўрсатмаларни тарқатади, ўуриқнома беради. Қайта алоқани амалга оширади.



Кейс билан якка тартибда ишлашни ташкил қилади.



Кейсни жамоавий тарзда ечишни ташкил қилади (мунозара- унинг тузилиши кейс охирида келтирилган саволлар билан белгиланади, - муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш, бундай амалий вазиятдаги фаолият бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган).



Умумлаштиради.



Ўқувчиларнинг ўқув ютуқларини баҳолайди.

2-вариант

(битта ўқув машғулотини мисолида)

Кейс ўлчами унчалик катта эмас, саволли/топшириқ

Кейс билан ишлаш жараёни: якка тартибда → жамоавий/гурӯҳли

Мавзу, мақсад, ўқув фаолиятнинг натижлари ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. Ўқув машғулотнинг олиб бориш хусусиятлари ва тартиби билан таништиради.



Билимларни фаоллаштиради (блиц-сўров, ўйланг-жуфтликка бўлининг – фикр алмашинг, аукцион)




Ўқувчиларни кейсга олиб киради

3-вариант

(иккита ўқув машғулоти мисолида)

Кейс ўрта ҳажмдаги ёки катта

Кейс билан ишлаш жараёни: якка тартибда → гуруҳли → жамоавий



Кейс-стади технологиясининг услубий паспортига мисол 5-иловада келтирилган.

Кейс-стади технологиясининг эксперт баҳолаш варағи 6-иловада келтирилган.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА МЕТОДИ -Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки,маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради.Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий,техникавий ечимидан иборат.

ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ тушунчаси:

- муайян истёъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Фан жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир Фан доирасида, баъзан бошқа Фандан билимларни жалб этиш орқали	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	
Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гуруҳли
<i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i>	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади	Узоқ муддатли
<i>Ўқув режасига киритилганлиги</i>	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдими ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади. Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади	Оралик
Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралик натижалар	Очиқ (бевосита)

семинар/амалий/лаборатория этилади ва баҳоланади	машғулотларида	тақдим	
---	----------------	--------	--

Ўқитувчи

1.Ўқув лойиҳага қўйилган талаблар:

- муаммоли вазият баён қилинади (Лойиҳага киришга қаранг);
- асосий муаммо ва лойиҳавий фаолиятнинг мақсади жамоавий тарзда шакллантирилади. Унинг натижаси ва маҳсулоти англанади

2.Лойиҳавий топшириқлар тарқатилади. Индивидуал тарзда ўқув топшириқлар ўрганилади

3. 5 ва 6 кишидан иборат лойиҳавий кичик гуруҳлар ташкил этилади

4.Уларга йўриқнома берилади:

- гуруҳларда ишлаш қоидаси билан таништирилади;
- ўқув лойиҳасининг алгоритм кетма-кетликда бажариш бўйича тескари алоқа ташкил этилади (2-3 гуруҳларда);
- иш натижаларининг тузилмасига эътибор қаратилади

Ўқувчи

1.Гуруҳларга бирлашишади. Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади

2.Лойиҳа топшириғи билан танишишади

3.Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади

4.Лойиҳа билан ишлаш учун гуруҳларда ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шакллари белгилашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади. Лойиҳа ишларининг ишчи режасини, маъсуллар рўйхатини, бажариш муддатини, тайёр маҳсулот турини белгилаб

Қайтар алоқанинг усул ва воситалари, ҳамда улардан ўқитиш технологияларида фойдаланиш

ТАЪЛИМДА ҚАЙТАР АЛОҚА – ўқувчидан ўқитувчига ва ўқитувчидан ўқувчига боровчи (*ташқи қайтар алоқа*) ёки ўқувчидан унинг ўзига қайтиб боровчи (*ички қайтар алоқа*), яъни ўрганиш жараёнида ахборотни қабул қилиши ва натижалари бўйича ахборот узатилади.

Қайтар алоқанинг асосий усуллари:

- ўқитиш/тарбиялашнинг дастлабки ва жорий ҳолати *диагностикаси*;
- режалаштирилган натижаларга эришишни *баҳолаш*;
- ўқитиш ва ўргатиш жараёнларининг долзарб ҳолатларини *назорат қилиш*.



Ўқитиш технологиясини лойиҳалаштиришда ўқитиш ва ўргатиш жараёнларининг долзарб ҳолатлари ва унинг тадбирини назорат қилиш турлари, шакллари ва методларини аниқлаш муҳим.

ПЕДАГОГИК НАЗОРАТ - ўқитувчининг ўқувчи билан *қайтар алоқасини* таъминлайди.

Дастлабки, кириш назорати – ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражасини аниқлаш ва керак бўлса ушбу даражани тўғирлаш учун ўқув фан, мавзунини ўрганишдан олдин ўтказилади.

Оғзаки назорат - яқка, оммавий ва жамоавий сўров, бажарилган иш бўйича ҳисобот, муҳокама, суҳбат, коллоквиум, оғзаки имтиҳон, заҳёт, курс ва битирув малакавий ишнинг ҳимояси

Ёзма назорат - ёзма иш ва курс иши, иншо, баён, эссе, саволларга жавоб бериш, масала ва мисолларни ечиш, тезислар тузиш, ҳар хил чизмалар чизиш, бажарилган иш бўйича ҳисобот, диктант, ёзма имтиҳон, заҳёт, реферат, битирув малакавий иш, амалиёт натижалари бўйича ҳисобот

Амалий назорат - лаборатория, лойиҳавий ва графикли ишлар, тажриба ўтказишни талаб қилувчи экспериментал масалаларни ечиш; малакавий синовлар

Аудио/ визуал назорат - ўқувчиларни ўқув фаолиятини кузатиш

Стандартиштирилган назорат - махсус ишлаб чиқилган тест ва тест топшириқлари, тестдан ўтказувчи дастурлар ёки тест топшириқларини ўзида жамловчи маълумотлар базаси асосида ўзини-ўзи назорат қилиш маълумотларини текшириш

Тест (стандартлаштирилган) назорати

СТАНДАРТЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ—тест ёрдамидаги назорат.

ТЕСТ (инглизча. test – текшириш маъносини англатади) –

1) белгиланган сифатни ривожлантириш даражасини ўлчашга имкон берувчи вазифалар тизими;

2) стандартлаштирилган вазифалар, уларнинг бажариш натижаси бўйича ўқувчиларнинг психологик ва шахсий тавсифлари ҳамда билим, кўникма, малака ва лаёқатлари тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш (В. Беспалько бўйича)

Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштириш тестларини ишлаб чиқиш (В. Беспалько бўйича)

Тестлар тоифаси ва турлари	Хусусиятлари	Жавоблар	Тест топшириқларини ифодалаш намуналари
<i>Аввал ўрганган материални эслаб қолиш, таниш, фарқлаш билан боғлиқ билимларни текшириш (ўзлаштиришнинг I даражаси)</i>			
1. Альтернатив: таниб олишга оид топшириқ	Иккита таклиф қилинган жавоблардан <i>битта тўғриси</i> ни танлаш	“Ҳа” “Йўқ”	... ҳисобланадими?
	Бир вақтни ўзида <i>тошириқ ва жавобдан</i> (айтиб бериш учун) иборат – иккита жавобдан иборат (биттаси тўғри, иккинчиси – нотўғри)	1. 2.	...булардан қайси бири тўғри?
2. Кўп вариантли: фарқлашга топшириқ	Бир вақтни ўзида <i>тошириқ ва танлаш учун жавоблар вариантларидан</i> иборат: бу бир нечта тўғри ва бир нечта нотўғри жавоблардан иборат; фақат битта тўғри жавобдан иборат тестлар бўлиши мумкин	1. 2. 3. 4.	...шулардан қайси бири... тўғрилигини кўрсатинг
3. Бир вақтда бир неча томондан бўладиган танлов: таққослашга оид топшириқ	Мос қисмларни таққослаш топшириқларидан иборат бўлади	1-(г) 2-(б) 3-(а) 4-(в)	Мосликларни кўрсатинг (уларнинг тушунчаси ва белгиланиши)
<i>Ташиқи айтиб беришларсиз эсда қолганлар ўзлаштирилган маълумотларни қайта айтиб бериш ва билимларни (қонунлар, қоидалар ва бошқ.) амалий</i>			

<i>қўллаш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг II даражаси)</i>			
1.Қўшимчалар қўйиладиган тестлар	Хоҳлаган шаклда: оғзаки, белгили, чизмаларда тақдим этилган фикрларни тўлдириш талаб этилади	Йўқ	... (формулани) тўлдилинг, (етишмаётган элементни)... кўрсатинг
2.Конструкторлик ка, идентификациялашга оид тестлар	Эсда қолганларни қайта айтиб беришни талаб этади	Йўқ	Бу “(тушунча / ифодалаш кўрсатилади) нима?” ...учун формулани ёзинг
3.Намунавий масалалар	Маълум бўлган қоидаларни қайта тиклаш ва уни изланаётган натижа учун қўллаш талаб этилади	1. 2. 3. 4.	... кўрсатинг (2 см радиусга эга доира майдонини)
<i>Мустақил ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида ностандарт масалаларни ечиш учун ўзлаштирилган билимларни ўзгартириш кўникмаларини текшириш (ўзлаштиришнинг III даражаси)</i>			
Ностандарт масалалар	Намунавий алгоритмга масалани етказиш учун дастлабки шароитларни ўзгартириш, қўшимча маълумотларни қидиришни талаб этади	1. 2. 3. 4.	... кўрсатинг (ташқи доира майдонини ($P = 4$) ички доира майдонига ($p = 2$) нисбатини)

Тест тузиш даражалари

Мақсад	Натижа	Тест
Ўзлаштириш даражаси: 1-даражали		
Жиноят ҳукуқи тўғрисида тушунчаларни шакллантириш	-Жиноят ҳукуқи тўғрисида тушунчаларни айтади, санаб ўтади;	1. Жиноят ҳукуқи ҳукуқ соҳаси ҳисобланадими? А) Ҳа Б) Йўқ
	-Жиноят ҳукуқи тўғрисида тушунчаларни айтади, санаб ўтади;	2. Жиноят ҳукуқи тамойиллари нечта ва қайси қаторда тўғри келтирилган? а) 6та б) 7та с) 8та д) 9та

	- кодексларни қабул қилинган йилларни айтади; -Жиноят ҳуқуқи ҳуқук соҳаси эканлигини тушунтиради	3. Қуйидаги кодексларни қабул қилинган йиллари бўйича мослигини кўрсатинг. Оилакодекси а) 1994 Жинояткодекси б) 1995 Фуқаролик кодекси с) 1996 Меҳнат кодекси д) 1998
2-даражали		
Жиноят ҳуқуқи тўғрисида билимларни шакллантириш	-Жиноят белгиларини фарқлайлади	1. Таърифни тўлдиринг: “Ушбу кодекс билан тақиқланган, ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади
	-Жиноят белгиларини фарқлайди; -Жиноят белгиларини умумлаштиради; - таққослайди ва хулосалар чиқаради;	2. С. исмли шахс кўчада кетаётиб бир оғир жиноятнинг гувоҳи бўлди, лекин у бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермади. Вазиятга баҳо беринг а).С.исмли шахс тўғри қилдичунки у ўз ҳаётини хатарга қўймади. б).С. исмли шахс қўрқоқлик қилди ва жиноят ҳақида хабар бермади с) С. исмли шахс ҳуқуқий маданиятсизлиги ва ҳуқуқий билимларини етишмаслиги туфайли ушбу жараёнга лоқайдлик билан муносабатда бўлди
Жиноят ҳуқуқи бўйича билимларни излаб топиш ва шу бўйича ижодий мустақил изланиш олиб бориш, уларни янги ҳолатларда қўллаш кўникма ва малакаларни шакллантириш	- Вазиятларни ҳуқуқий шарҳлашни ўрганади, вазиятлардан чиқиб кетиш йўллариини излаб топади; -вазиятларни мустақил баҳолай	16 ёшли Али ва Вали спиртли ичимликлар таъсирида, ақли заиф Алишерни безорилик қилиб уриб, тан жароҳати етказишади. Алишернинг ота-онаси бу безориликдан хабар топиб, улар билан гаплашмоқчи бўлишади. Лекин улар қочиб, дарёни сузиб ўтмоқчи бўлишади. Али дарёдан сузиб ўтади, Валининг қўли гипсланганлиги сабабли дарё оқимиға қарши сузолмайди. Қирғоқ ёнида турган Алишернинг акаси Нурбек чўкаётган Валини кўриб, унга ёрдам бериш ўрниға орқасига қайтиб кетади.

	олади	Бу вазиятда ким жавобгарликка тортилади? а) Али б) Нурбек с) Алининг ота-онаси д) Алива Нурбек
--	-------	---

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Иш босқичлари Фаолият шакли ва мазмуни	Иш босқичлари Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият

	ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	--------------------------------------

Б/Б/Б ЧИЗМАСИ

Б/Б/Б чизмаси-Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1. Жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.
2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.
3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.
4. Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ		
Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

“ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ” МЕТОДИ

“Қарорлар шажараси” методи муайянфан асослари борасидаги бир қатор мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хулосаларга келиш, бир муаммо хусусида билдирилаётган бир неча хулосалар орасидаги энг мақбул ҳамда тўғриси топишга йўналтирилган техник ёндошувдир. Ушбу метод, шунингдек, аввалги вазиятларда қабул қилинган қарор (хулоса)лар моҳиятини яна бир бора таҳлил этиш ва уни мукамал тушунишга хизмат қилади. Таълим жараёнида мазкур методнинг қўлланилиши муайян муаммо юзасидан оқилано қарор қабул қилиш (хулосага келиш)да таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариант, уларнинг мақбул ҳамда номақбул жиҳатларини батафсил таҳлил этиш имкониятини яратади.

УМУМИЙ МУАММО					
1-қарор варианты		2-қарор варианты		3-қарор варианты	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

“ФСМУ” МЕТОДИ

“ФСМУ” методимунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозара ўтказишда ёки ўқув режа асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу метод тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда таълим олувчиларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларни таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ушбу метод тингловчиларга ўз фикрларини аниқ, қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради. Машғулотда аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда берилган вазифани бажаради, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб боради ва дарс охирида жамоа бўлиб ишлайдилар.

Ҳар бир тингловчига ФСМУ методининг 4-босқичи ёзилган варақалар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг

С- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У- фикрингизни умумлаштиринг.

Тингловчилар якка тартибда топшириқни бажарядилар. Сўнгра кичик гуруҳлар шакллантирилиб, кичик гуруҳда ҳар бир таълим олувчи ўзининг ёзган жавобини ўқиб таништиради, сўнгра гуруҳ аъзолари биргалашиб муҳокама қилиб умумий жавобларини ёзядилар ва уни ҳимоя қиладилар.

“БЛИЦ-ЎЙИН” МЕТОДИ

“Блиц-ўйин” методитезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материаллар алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавобларни тарқатмадаги “якка баҳо” устунига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда педагог иштирокчиларни кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги педагог томонидан ўқиб эшиттирилади ва тингловчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқини ёзиш сўралади. Шундан сўнг, “якка

хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Педагог якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ҳаракатлар мазмуни

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда-янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустақкамлаш мақсад қилиб қўйилганда- мавзудан сўнг, дарснинг мустақкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган

1. Муаммоли савол берилади
2. Фикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб борилади
3. Фикр ва ғоялар гуруҳланади
4. Аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб
- кўриш имконияти мавжуд; таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:


- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг боскичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир- бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;

- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- кичик гуруҳлар шакллантирилади
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир. “Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Давра столи ташкил этилади. Қуйидагича белгилар билан белгилади.

Белгилар: 1-таълим олувчилар 2-айлана стол

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертнинг соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертнинг олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган

- Суҳбатни ўтказиш шартлари билан таништириш
- Конвертлар ва “Жавоблар варақалари”ни тарқатиш
- Конвертларга саволлар ёзиш
- Конвертнинг ёнидаги ўқувчига узатиш

- Саволларга жавоб ёзиш
- Баҳолаш ва таҳлил қилиш

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулоти мавзуси ёллон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулоти ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:


- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳолаши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

“Ролли ўйин” методи - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир. Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар. Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. “Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар 21 Сценарий ишлаб чиқилади Ўйиннинг мақсади ва вазифалари тушунтирилади Роллар тақсимланади Роллар ижро этилади Якуний хулосага келинади ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий

изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим

“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:

-ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;

-таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради; назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;

-таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:

- кўп вақт талаб этилади;

- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;

-таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин; барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир. Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;

-“ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

-фикр-ғояларни тинглаш маданияти;

- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;

- бир-бирларига ўзаро ҳурмат

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.

-Муаммоли савол ташланади


-Турли фикрлар тингланади

-Фикр-ғоялар тўпланади

- Таҳлил қилинади
- Аниқ ва мақбул ечимни топиш

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир. “Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа 26 вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак. Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш,

ташқиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

1. Маълумот йиғиш
2. Режа тузиш
3. Қарор қабул қилиш
4. Амалга ошириш
5. Текшириш
6. Хулоса чиқариш

“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқади. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар муҳандис-педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим

олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

1. якка тартибдаги иш;
2. кичик гуруҳий иш;
3. жамоа иши.